Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сўзга чиққан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўтган давр мобайнида Сенат фаолиятида эришилган ижобий натижаларни сарҳисоб қилиб, шу билан бирга мавжуд муаммолар, айрим камчилик ва нуқсонлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди. Шунингдек, парламентнинг юқори палатаси олдида турган устувор вазифаларни қайд этиб ўтди. Шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирда бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарадорлиги, уларнинг амалиётда қай даражада намоён этилаётгани ҳақидаги масалалар ўртага ташланди.

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# АСОСИЙ ВАЗИФА — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА ЎТКАЗИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИ ШУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ.**

Йиғилишда сўзга чиққан Олий Мажлис юқори палатаси қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова давлатимиз раҳбарининг ўтган давр мобайнида Сенат ўз профессионал фаолиятини, аниқ мақсадларга йўналтирилган иш услубини намоён этганини, қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда мамлакатимизнинг ҳаётига оид муҳим муаммоларни ҳал этиш йўлида қарорлар қабул қилишга қодир ҳокимият органи сифатида ўзини кўрсатди, дея берган баҳосига алоҳида тўхталиб ўтиб, бу борада сенаторлар, хусусан жойларда сайланган депутатлар зиммасига юклатилган вазифаларга сидқидилдан ва янада масъулият билан ёндошиши, ҳар бир жараёнда фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бир йил ичида Сенатнинг тўртта ялпи мажлиси ўтказилган бўлса, улар доирасида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида катта аҳамиятга эга бир қатор қонунлар муҳокама қилинди. Шу кунгача эса юқори палата томонидан 21 та қонун кўриб чиқилди. Шундан тўрттаси Қонунчилик палатасига қайтарилди. Сенаторлар ҳамда қуйи палата депутатларининг бугунги кундаги асосий вазифаси ушбу қонунларнинг амалда татбиқ этилишига ўз ҳиссасини қўшишдан иборатдир. Шу билан бирга бу борада жамиятнинг энг фаол аёллари ўзларига яратилган ижтимоий-сиёсий имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда етакчи куч сифатида намоён бўлишларини вақтнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, қабул қилинаётган барча қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора-тадбирларни кўриш, бугунги кунда аксарият жабҳаларнинг камчилик томонига айланиб қолаётган экан, демак, ушбу йўналишда катта ишонч билдирилаётган аёлларнинг ўрни ҳам алоҳида бўлиши лозимдир.

Тадбирда сўзга чиққан Қонунчилик палатаси депутатлари Дилором Тошмуҳамедова, Мунира Қориева, сенаторлар Фарида Абдураҳимова, Бахтиёр Ҳакимов, шаҳар Кенгаши депутати Фарида Акбарова, Тошкент Давлат юридик институтининг кафедра мудири Гулчеҳра Маткаримова мамлакатимиз ривожланишининг қонунчилик негизини яратишда, янги қонунларни ижод қилишда ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида авваламбор меҳнат аҳли, яъни миллати, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳар бир инсоннинг манфаатлари асос қилиб олиниши лозимлигига урғу бериб, бу борада Олий Мажлис палаталарининг ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро самарали ҳамкорлиги хусусида ҳам гапириб ўтдилар. Йиғилишда билдирилган барча фикр-мулоҳазалар ва таклифлар юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**КУНИ КЕЧА ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ 102-МАКТАБДА ЧИНАКАМИГА ШОДИЁНА БАЙРАМ БЎЛИБ ЎТДИ. ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ, МАҲАЛЛА АҲЛИ, ОТА-ОНАЛАР, ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИЛАР БОЛАЖОНЛАРНИНГ СЕВИМЛИ "АЛИФБЕ" БАЙРАМЛАРИ — "КИЧКИНТОЙНИНГ ЮРАК ТАФТИ" ДЕБ НОМЛАНГАН АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧАДА ИШТИРОК ЭТИШДИ.**




*Тадбирлар*

# КИЧКИНТОЙНИНГ ЮРАК ТАФТИ

Жажжи кичкинтойларнинг шўх-шодон чеҳра, бийрон тил билан она-Ватан, ота-она, устозларига бағишлаб айтган шеър ва ашулалари, саҳна кўринишлари барча-барчада катта таассурот қолдирди.

— Синфимизда 37 нафар кичкинтой билим олмоқда, — дейди байрам ташкилотчиси, 1-"Г" синф ўқитувчиси Дилноза Мирсолиҳова. — Уларнинг соғлом ўсишлари, илк сабоқнинг пухта бўлиши, илм-маърифатга меҳр қўйишлари учун имкон борича ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Мактабга илк қадамини қўйган болажонга тўғри йўл-йўриқ кўрсатсангиз, ҳаётга меҳр уйғотсангизгина эртамизнинг маънавий баркамол авлоди етишиб чиқади. Бу йўлни танлаган ҳар бир устоз мана шу нарсани ёдида тутиши керак.

— Мактабимиз инглиз, тарих, биология, физика фанларига чуқурлаштирилган бўлиб 2100 нафар ўғил-қизлар билим оладилар, — дейди мактаб директори Маҳфират Асомова.

— Ўқувчиларимизнинг билимли, интилувчан, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида 92 нафар юксак малакага эга бўлган, ўз касбини жондан севган устоз-мураббийлар ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, замонавий технологияларни ҳаётга татбиқ этиб сабоқ бериб келмоқдалар.

Байрам тадбири ниҳоятда серзавқ, кичкинтойларнинг шодон кулгулари, ўз билганларини тезроқ ота-оналарига етказиш руҳида, йиғилганларга бир олам завқ улашганча ниҳоясига етди. Айниқса ота-оналарнинг хурсандчилигига шерик бўлиш истаги бизни улар томонга етаклади. — Дилноза Муҳсимова бўламан, — дейди биз билан суҳбатда Эркин Юсуповнинг онаси. — Озгина вақт ичида ўғлим устозининг ёрдами билан анча нарсаларни ўрганди. Катта раҳмат. Бугунги кун узоқ вақт барчанинг ёдида қолади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

*Кўргазмалар*

# ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ МАРКАЗИДА ИҚТИДОРЛИ ВА СЕРҚИРРА РАССОМ СЕРГЕЙ АБАТУРОВНИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.**

Сергей Абатуров 1962 йил Тошкентда таваллуд топган. 1985 йили Тошкент театр ва рассомчилик институтининг китоб графикаси бўлимини муваффақиятли тугаллаб кўп йиллар давомида юртимиз нашриётларида фаолият олиб борган. Кўплаб республика ва халқаро кўргазмаларнинг мунтазам иштирокчисидир.

У ўзининг кўргазмасини Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлади. Ушбу кўргазма экспозициясида рассомнинг 30 га яқин оригинал графика асарлари намойиш этилмоқда. Асарларда рассом асосан она табиатни, жаннатмакон Ўзбекистонни, унинг содда, самимий халқини ва оқ халатли шифокор ва ҳамшираларни аъло даражада тасвирлаган.

Мазкур кўргазма 10 мартгача давом этади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**

**Владимир Гранкин олган суратлар**





*Тадбирлар*

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДА ДАВРА СУҲБАТИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲАМ ЎЗ ЎРНИ БОР.**

Чунончи ЎзЛиДеП сиёсий Кенгаши ижроия қўмитасининг тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ва партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ҳафталик «давра суҳбатлари»ни ташкил этиш режалаштирилди. Илк давра суҳбати «Тадбиркорларнинг банк тизими билан боғлиқ муаммолари» мавзуида ўтказилди.

Давра суҳбатига Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, банк вакиллари ва партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

Тадбирда ЎзЛиДеП ижроия қўмитаси тадбиркорлар ва фермерларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Мажиддин Каримов, ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирсаид Миржалиловлар сўзга чиқишиб, ҳозирги кунда тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида ахборот беришди.

— Партия сафларида фаолият юритаётган аёлларимизни ҳам бу жабҳага жалб этмоқчимиз, — дейди ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими раҳбари Гулчеҳра Ҳабибуллина. — Чунки аёллар олиб борилаётган ички сиёсатнинг самараси ўлароқ жамиятимизнинг илғор бўғинига айланиши зарур.

Билдирилган мулоҳазалар ва таклифлар ўрганиб чиқилиб, уларни амалиётга тадбиқ этиш борасида қарорлар қабул қилинди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

# БАҲОР ДАЛАГА ЧОРЛАДИ

Яна баҳор сепини ёйди. Табиатга жон кирди. Қир-адирлар кўм-кўк либосга бурканди. Шундай кезларда кўнгил сайру саёҳатни истаб қолади.

Эрталабки нонуштадан кейин набирам:

— Бобо, кечадан мен меҳнат таътилига чиқдим, — деб қолди.

— Нега эрта дам олишга жазм этдинг. Ёруғ ёзда чиқардингда бўталоғим, — десам у:

— Баҳорнинг ҳам ўзига хос гашти бор, бобо, — дейди кулиб. — Бугун бир дала айланмоқчиман. Шифобахш кўкатлардан териб келаман, чучварахўрлик қиламиз. Агар истак бўлса сизни ҳам олиб кетаман. Кўклам ҳавосидан тўйиб нафас олиб қайтасиз.

— Дилимдаги гапни айтдингда бўтам. Негадир шу топда сайру саёҳатга мойиллик билдириб турган эдим.

Бобо-набира иккита катта халтани олиб йўлга чиқдик.

— Бобо, айтинг, машинани қай томонга ҳайдай? Паркентга борамизми, ёки Бўстонлиқ тузукми? — деб сўради набирам кабинага ўтирар экан.

— Ҳар қалай Бўстонликда қир-адирлар сероб. Кўкатларнинг мазалиси шу томонда. Шу ёққа ҳайда.

Шаҳар бўйлаб боряпмиз. Одамлар аллақачонлар баҳорий юмушларга киришиб кетишибди. Кимдир кўча четидаги тўсқичларни оқлаб, кўклаган, баъзилар йўл юзидаги дарахтларга шакл беришяпти.

Кўп ўтмай катта шаҳар орқада қолди. Мудроқ далалар одамлар билан анча гавжумлашиб қолибди. Бугун деҳқоннинг қўли-қўлига тегмайди. Экин-тикин ишларига киришиб кетган. Йўл-йўлакай тўхтаб бир зум уларни суҳбатга тортамиз.

— Эрта эккан эрта ўради бобо, — дейишади улар ўз меҳнатларидан мамнун бўлишиб. — Барака уруғини ҳарқалай барвақт қадаган ютқазмайди.

Бир нафаслик гурунгимизга якун ясаб, уларга баҳорий кайфият, ишларида омад тилаб йўлда давом этамиз.

Бугун Чирчиқ ва Ғазалкент шаҳарлари ҳам бошқача кўзга ташланади. Йил сайин обод бўлиб бораётган бу масканларда қанча янгиланишлар, ўзгаришлар бўлибдики, уларни кўриб дилдан қувонасан киши. Кўчаларни айтмайсизми? Улар анча кенгайган, йўл-транспорт ҳаракати учун бир мунча қулайликлар яратилган. Ғазалкентдан бироз юрилгач, ўнг томонимизда катта сайҳонлик бошланди. Шу ерда тўхтаб атрофни кузатдик.

— Бобо, шифобахш кўкатларни шу ердан ҳам терсак бўлади, — деди набирам узоқ-узоқлардаги қир-адирларга назар ташлаб.

— Халталарни ол бўлмаса, — дедим розилик билдириб.

Машинани бир четга тўхтатиб ишга киришиб кетдик. Керакли кўкатларни тера-тера анча жойга бориб қолибмиз. Бу ерга бир гуруҳ шаҳарлик йигитлар дам олгани чиқишган шекилли, уларнинг шовқин-сурони атрофни босибди. Йигитлар кўкатлар устига катта шолча ёзиб давра қуришган. Улардан сал нарида қурилган қозон тепасида уч-тўрт киши куймаланиб таом пиширишяпти. Атроф ифлос. Қоғоз парчалари сочиб ташланган. Сал нарироқда кўмир бўлаклари. Даврада ўтирганлар бўшаган шишаларни дуч келган томонга улоқтиришяпти. Улар тошларга урилиб синяпти. Чор-атрофдаги консерва идишларини пашшалар босган.

Йигитларни тартибга чақирай десам набирам:

— Ҳозир уларга ҳеч қандай гап сиғмайди. Ҳаммалари маст-аласт, қайтанга яхши-ёмон сўзлар билан дилингизни ранжитиб қўяди бобо. Яхшиси индаманг, — деди.

Йўқ, мен чидаб туролмадим. Барибир йигитларни баодоб бўлишга, шундай сўлим жойни ифлослантирмасликка чақирдим.

— Отахон, — дейишди улар, — бугун сершовқин шаҳардан атайлаб қочиб, мириқиб дам олгани шу ерга чиққанмиз. Бизни тинч қўйинг, кайфиятимизни бузиб нима қиласиз. Ундан кўра келинг, биз билан ўтириб озроқ ичиб дилкашлик қилинг.

Шу гапдан кейин ади-бади айтишиб ўтириш бефойда эканлигини билиб, индамай қўя қолдим.

Орадан бир мунча вақт ўтмай, биз томонга бир отлиқ киши жадал юриб келди. Йигитлар ёнида тўхтаб:

— Қани йиғиштирларинг лаш-лушларингни, — дея уларни қува солди. Йигитларнинг кечирим сўрашлари, илтимосларига ҳам қулоқ солмади.

— Дам олгани чиққан одам бунақа бўлмайди. Табиатга озор бермайди. Ўзидан бир арава ахлат қолдирмайди, — дея йигитларни ўринларидан туришга мажбур этди.

Шундай қилиб табиат қўйнига сафаримиз бироз кўнгилли, бироз нохушлик билан ўтди. Лекин кечқурун оиламиз билан омонлик-сомонлиқ қилиб мириқиб кўк чучвара едик.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

# АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ ЁКИ КАТТА?

Метро бекатидан ўтиб бораётиб: «Садақа қилинг азизлар» деган таниш овозни эшитиб қолдим. Орқамга қайрилиб қарасам Нури хола. Биз бу оила билан кўп қаватли уйда ёнма-ён яшагандик. Кейин уйимиз торлик қилиб алмаштирдикда, бошқа уйга кўчиб кетдик.

Нури холанинг икки ўғил, бир қизи бор эди. Ҳаммаси топармон-тутармон бўлишига қарамай, ўзи ҳам аллақайси дўконда ишларди. Заркентда турадиган куёви бой-бадавлат хўжаликда бош ҳисобчи, катта ўғли муҳандис, кичиги ўқитувчи эди.

Холани бундай ҳолда кўриб ҳайрон қолдим. Наҳот шундай оила пароқандага учраган бўлса, ўғил-қизлар холага қарамай қўйишган бўлишса?

Орқага қайтиб холанинг қўлига баҳоли қудрат пул тутқаздим. У мени таниб ҳасратга тушиб кетди.

— Эсон-омон юрибсизми? Вой дастлаб ким экан бу кўзимга иссиқ кўринаётган одам деб танимай қолибман-а?

— Раҳмат, ўзингиз яхшимисиз, ўғил-қизлар тинчми? Набиралар кўпайишиб қолгандир.

Хола ҳасратга тушиб кетди.

— Ҳа, ҳаммаси ўз аравасини тортиб юрибди. Қайда бўлса ҳам соғ бўлишсин ишқилиб. Лекин қариганимда ўғил-қиздан ёлчимадим. Битта ота-она ўнта болани боқаркану, лекин ўнта бола битта ота-онани боқолмас экан. Қариганимда дарбадар бўлиб тиланчилик қилишга мажбур бўлдим.

Унинг бу гапини эшитиб қаттиқ ранжидим. Наҳот ўқимишли, ақлли-одобли ўғил-қизлар шу қадар айнаб, ҳатто онасига ҳам қарамай қўйишган бўлишса?

Унга тасалли бериб йўлимга кетдим.

Яқинда бир қадрдонимнинг эрталабки ошида Нурихоланинг катта ўғли Нуриллони учратиб қолдим. У башанг кийинган эди. Кўриша туриб уни четга тортдим. Холи жойга ўтиб унга кўрганларимни баён этдим.

— Эй ака, — деди у пешонасига бир уриб. Онажонимиз шунақа бўлиб қолганлар. Кўча-кўйда тиланчилик қилиб, ўғил-қизлар шаънига лаънат келтириб юрибдилар. Бир неча бор ўртага олдик. Еганиз олдизда, емаганингиз орқангизда, нега бунақа ношукрчилик қиласиз дедик. Мен билан ишларингиз бўлмасин, жарақ-жарақ пул топиб ўрганганман. Сизлар берган уч-тўрт сўм пулингизга қараб ўтираманми, дейдилар. Ялиниб-ёлвордик. Барибир ўз билганларидан қолмадилар. Биз ишга жўнагач, бекитиқча чиқиб кетадилар. Юриб-юриб ишдан қайтишимиздан олдин ҳеч нарса кўрмагандек уйга келиб ўтирадилар...

Тунов куни автобусда кетаётсак Олой бекатидан 10-12 ёшлар чамасидаги бир болакай чиқиб бир нарсаларни баланд овозда айтди-да, ерга тиз чўкиб: — Акажонлар, опажонлар, мен етимга раҳм қилинглар. Яқинда отам ўлди, онам ўлди, кичкина синглим билан етим бўлиб қолдик. У ҳозир оғир касал, шифохонада ётибди. Унга дори-дармон учун пул керак, садақа қилинглар, — деб нола қила бошлади.

Ўтирганлар унинг гапига чиппа-чин ишониб қўлларидан келганча унга ёрдам пули беришга шошилишди. Бола йўловчилардан пул йиғиб бораётганида кейинги бекатдан автобусга чиққан басавлат киши дарҳол унинг қўлидан тутди. Қулоғидан чўзди, савалади.

Ўтирганларнинг раҳми келиб боланинг ёнига тушишди. Кейин маълум бўлишича, шу тиланчи ўша кишининг боласи экан. У ота-онасидан бекитиқча, мактабга бормай бекорчи болаларга қўшилиб, кўча-кўйда мана шунақа тиланчилик қилиб юрар экан.

Шунда ёнимда ўтирган йўловчилардан бири:

— Ҳа, ҳозир шунақа қалбаки тиланчилар кўпайиб қолган, — деб қўйди.

Бу гапдан ўйланиб қолди.

## ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ота ёки бобонгнинг наслу насаби билан эмас, балки ўз меҳнатинг ва ҳунаринг билан керил!

**Азизим, лоф урма наслу насабдан,**
**Насабдан кечгилу, лоф ур адабдан!**
**Яхши сигирнинг боласи ҳам яхши бўлади.**
**Экиннинг яхши бўлиши уруғнинг**
**тоза бўлишидан.**

**«ОТАЛАР СЎЗИ»**

**Қўни-қўшни, қариндош,**
**Кўрсин сендан яхшилик.**

**Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ**

Ота-она, қариндош-уруғларни иззат-икром қилиш фақат ёшлик айёмимизда ёки бой-бадавлатлик пайтимиздагина эмас, балки умр бўйи кучимиз тугагунчадир. Катталарнинг ўзаро алоқалари ва муносабатлари бошқаларга кучли таъсир қилади ва ёшлар бу муносабатлардан ибрат олишади.

Биз ота-онамизнинг ёнида бирга яшаётганимизда уларни доимо хушнуд этишимиз, уларга кўрсатиладиган иззат-икром қоидаларига нуқсон етказмаслигимиз, доимо ҳол-аҳволларини сўраб туришимиз керак. Уйланганимиздан ва бошқа ерга ҳовли жой қилиб чиқиб кетганимиздан кейин эса тез-тез ёнларига бориб туришимиз, қўлларидан ўпиб, дуоларини олишимиз, келолмаган тақдирда эса хат орқали ҳол-аҳволларидан хабардор бўлиб туришимиз шарт. Агар бизнинг илмимиз ва касбимиз ота-оникидан юқори бўлса, биз бунга асло мағрурланмаслигимиз инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Ота-она олдида амал ва касб билан мақтаниб керилишдан кўра, жоҳил ва илмсиз бўлган афзалроқдир.

Ота-она тириклигида уларни хушнуд этиш, вафотларидан кейин эса тирикликларида айтган насиҳатлари ва маслаҳатларига амал қилиш, уларнинг яхши хислатлари билан ёдлаб туриш содиқ ва вафодор фарзандларнинг бурчидир. Шуниси ҳам махфий қолмасинки, ота-онадан ташқари валийнеъматлик қилган ва яхшилик қўлини чўзиб турган инсонларнинг иззат-икромини ҳам бажо келтиришда нуқсонларга йўл қўймаслик керак!

**Мустафо ҲОМИЙПОШШО**

**ҲИКМАТ**. Бир улуғ киши ўз укасига насиҳат қилиб дерди: «Дўст жафо билан душманга айланади, душман эса яхшилик билан дўстга! Агар душманни яхшилик ва ҳадялар билан дўст қаторига киргизолмасанг, жафо билан душманлар қаторига киргизма!»

**Одам яхшиликка бандадир доим,**
**Душману дўстлар ҳам оғир келмайди,**
**Ҳеч кимнинг дилига оғир келмайди,**
**Душман меҳр билан дўст бўлгани дам!**

**Мажидиддин ҲАВОФИЙ**

Бир киши бир улуғ одамдан сўради: «Ака-ука дилга яқинми ёки дўст?» У деди: «Ўз ака-укам садоқат йўлини тутгандагина яқин».

**Дўст бўлмаса яқинларинг**
**кечгил улардан,**
**Бегоналар меҳр қилса, дўст тут уларни.**

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ**

**ҲИКОЯТ**. Бир улуғ киши келтирибдир: «Мен бир қавмни кўрдим. Ўз ака-укаларини узоқ вақт кўрмай юраверишар экан. Кўрганда эса ҳол-аҳвол сўрашмас. Фақат ишдан гапиришиб, пул-мол керак бўлса бир-бировидан аямас экан. Бундай яхшиликни эса бир-бировларига ҳеч қачон миннат қилишмас экан.

Яна шундай бир қавмни кўрдим. Агар бир-бирини бир кун кўрмай қолишса, ҳол-аҳволини, қандай яшаётганини, бола-чақа, хотин-халажларини ва бошқа нарсаларини зўр эътибор билан суриштиришар экан. Ҳатто агар уйида жўжа бўлса, жўжанинг аҳволини ҳам сўрашар экан. Агар гап пулдан чиқиб қолса, тезда чап беришиб, қочиб қолишаркан. Арзимас бир нарсани бир-бирига беришга оғринишар экан. Байт:

**Юз марта ҳол-аҳвол сўрагандан кўра,**
**Бир тийин ҳадя қил дўст экан ночор.**
**Юзлаб ширин сўздан яхшироқ эрур,**
**Бир марта яхшилик айласанг бир бор.**
**Ёрдам қилиш агар бўлмаса дилда,**
**Тилингни тийгину, сўзлама зинҳор,**
**Қуп-қуруқ сўз билан алдаса ҳар ким,**
**У одам эмасдир, тулкидир айёр!**

**Мажидиддин ХАВОФИЙ**

Ёнида қўшниси туриб, фақат ўз қорнини тўйғазиб юрадиган одам мўмини комил эмасдир.

**ҲАДИС**

Қариндош-уруғларингни ўзингдан узоқлаштирма, уларга марҳамат кўзи билан боқ, гапига қулоқ сол ва ҳамиша яхшилигингни аяма! Раҳм узоқ яшаш учун воситадир ва у кишининг тинч, фаровон яшашига сабабчи бўлади! Байт:

**Кишидан рози бўлса гар қариндош,**
**Ошиб обрўйи, бўлғай барчага бош!**

**Муҳаммад ҲУСАЙН**

**ҲИКМАТ.** Қўшни ким ва қайси миллатга тааллуқли бўлишидан қатъи назар, уни ҳурмат қилмоқ ва қўшни ҳақ-ҳуқуқини адо этмоқ одамлик хислатларидан биридир. Қўшни итига сабабсиз тош отиш, мушугини ҳайдаш эса, уни ҳақоратлаш билан barобардир.

Бир киши ўз дўстининг олдига келиб, уйида сичқон кўплигидан шикоят қилди. Дўсти унга мушук боқишни маслаҳат берди. У эса рози бўлмай: «Мушук боқсам, уйимдаги сичқонлар қўшнимизникига қочиб чиқармикан, деб қўрқаман» деди. Ўзинг учун нимани нолойиқ деб ҳисобласанг, уни ўзга учун ҳам раво кўрма!

**Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**
**тайёрлашган**

